

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»** ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ТОЙИР ТУРСУНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗА ЭФИРЛАРИ ВА АЦЕТИЛЕНЛИ ЧИҚИНДИЛАР
АСОСИДА ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари
кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук(DSc) по
техническим наукам
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc) on
pedagogical sciences**

Сафаров Тойир Турсунович

Целлюлоза эфирлари ва ацетиленли чиқиндилар асосида лок-бўёқ
маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш..... 3

Сафаров Тойир Турсунович

Разработка технологии производства лакокрасочных материалов на
основе эфиров целлюлозы и ацетиленсодержащих отходов..... 29

Safarov Toir Tursunovich

Production technology development of paint work materials based on
cellulose ethers and acetylene-containing wastes..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ТОЙИР ТУРСУНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗА ЭФИРЛАРИ ВА АЦЕТИЛЕНЛИ ЧИҚИНДИЛАР
АСОСИДА ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари
кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/T272 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.gupft.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзакулов Холтура Чорисвич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Негматова Комила Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Амонов Мухтор Рахматович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03/01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» 10 2020 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУК Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№26 рақам билан рўйхатга олинган), (100011, Тошкент ш., Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй). Тел.: (99871) 246-39-28.

Диссертация автореферати 2020 йил «03» 10 куни тарқатилган.
(2020 йил «08» 08 № 25 рақамли реестр баённомаси).



С.С. Негматов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзРФА академиги

М.Г. Бабаханова
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Н.Х. Талипов
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги кунда лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари қурилиш иншоатларининг самарали антикоррозион химоя воситасини яратиш, шунингдек, катта ҳажмда ҳосил бўладиган саноат чиқиндиларини, факелларда ёқиб юборилаётган газ чиқиндиларини қайта ишлаш муҳим муаммолардан бири бўлиб қоляпти. Ушбу чиқиндилар таркибида қимматли органик бирикмалар, асосан ацетилен бор. Бундан ташқари, ушбу чиқиндиларда винилхлорид, винилацетилен, ацетальдегид, хлоропрен, цианид кислота, нитроакрил кислота (НАК), азот ва бошқа компонентлар ҳам мавжуд. Сўнгги йилларда оғир иқтисодий вазият туфайли хомашёнинг етишмаслиги антикоррозион химоя учун қатор лок-бўёқ материаллари ишлаб чиқаришни қисқартирилишига олиб келган эди, шу сабабли, коррозияга қарши химоя қопламаларини яратиш муҳим илмий-техник вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда бутун дунёда полиацетилен (ПА), нитро- ва ацетат целлюлоза бирикмалари асосида лок-бўёқ материалларидан фойдаланиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда тўйинмаган полимерлар, нитро- ва ацетат гуруҳларини сақлаган целлюлоза эфирлари маълум илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бунда ПА, целлюлоза нитрати ва ацетатидан лок-бўёқ материалларини олиш учун самарали фойдаланилиши мумкин. Ацетиленли газ чиқиндилардан ПА синтези жараёнини ўрганиш, шунингдек, целлюлоза ҳосилаларини, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларини ўрганиш ва технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Республикада полиацетилен, целлюлоза ва целлюлоза ҳосилалари саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида лок-бўёқ материалларини, шунингдек, кўп компонентли полифункционал лок-бўёқли қопламаларни яратишнинг илмий ва амалий натижаларига эришилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот ишларини меъёрий тартибга солиш чора-тадбирлари асосида маълум натижалар амалга оширилган, хусусан, кўп компонентли лок-бўёқ қопламаларини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва маҳаллий бозорларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни таъминлаш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш...»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан, танқис компонентларни маҳаллий хомашё ресурслари, кимё саноатининг иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндилари билан алмаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 - сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб қилинадиган маҳсулотлар ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 - сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 - сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Хлорли полиацетилен ва целлюлоза эфирлари асосида янги лок ва бўёқ олиш, ҳамда уларни жорий этишга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида, жумладан, Istanbul Technical University (Туркия), Technische Universitat Munchen (Германия), Slovak University of Technology (Словакия), Chonnam National University (Корея), Ebonyi State University (Нигерия), Indian School of Mines (Хиндистон), Полимер тадқиқот институти (Россия), Қозон Давлат технология университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон), Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқариш иккиламчи хомашёларидан лок ва бўёқлар ишлаб чиқариш ва амалиётга қўллашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: целлюлоза эфирларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган зиғир хомашёсидан зиғир целлюлозасини олиш технологияси яратилган (Полимер материаллар илмий-тадқиқот институти, Россия); полисахарид асосидаги янги эфирлар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган (Chonnam National University, Жанубий Корея); гетероген усул билан целлюлоза триацетати ҳосил бўлиши исботланган (King Abdullaziz University - Саудия Арабистони); целлюлоза триацетатидан целлюлоза диацетатини олиш технологияси ишлаб чиқилган (University of Ferrara, Италия); газ ацетиленидан ПА олиш технологияси ишлаб чиқилган (Istanbul Technical University, Туркия); целлюлоза ҳосилалари синтез қилинган ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган (Universitat Jena, Хитой).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

<https://www.researchgate.net/publication/24238348>, <https://www.academia.edu/7655786>,

<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2635672>, <https://www.academia.edu/4411418>,

<https://doi.org/10.1002/app.27592> ва бошқа ресурслар.

Дунёда янги лок ва бўёқ материаллари ишлаб чиқариш ва улар асосида янги композициялар яратиш бўйича катор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ацетилен ва асосида полиацетилен олиш технологиясини яратиш; целлюлоза эфирларини олиш технологиясини яратиш, полимерланиш даражаси паст бўлган диацетат целлюлозани олиш; мавжуд целлюлозани кимёвий модификациялаш орқали кимёвий янги самарали лок ва бўёқлар олиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Целлюлоза ҳосилалари синтези ривожланишининг илмий тадқиқотлари тўғрисида Roy D., Cheng H.N., Granja P.L., Yamamoto H., Saunders C.W., Taylor L.T., Theisen E., Dauerman L., Tajima Y.A., Shimamoto S., Gray D.G., Коринов В.Ю., Базарнов Н.Г., Захаров А.Г., Падохин В.А., Чемерис М.М., Рахмонбердиев Г., Саримсоков А., Джалилов А.Т., Сиддиқов А. ва бошқалар илмий ишлар олиб боришган ва соҳани ривожлантиришда ҳиссаларини қўшган.

Олиб борган илмий изланишлар натижасида чиқинди ацетиленли газлар ва целлюлоза ҳосилаларидан ПА, нитроцеллюлоза (НЦ) ва диацетатцеллюлоза (ДАЦ) ишлаб чиқариш усуллари, жараёнга турли омилларнинг таъсири, уларни нитроловчи ва баъзи ацетилловчи агентлар билан синтези, шунингдек, синтез қилинган бирикмалардан лок-бўёқ материаллари олиш технологиялари яратилди ва уларни қурилиш саноатида қўллаш таклиф этилди. Шу билан бирга нитроловчи ва ацетилловчи агентлар асосида целлюлоза нитратлари ва ацетатлари, ПА олиш, улардан турли хил целлюлоза эфирларини олиш мақсадида функционал фаол гуруҳларни ўз ичида сақлаган бирикмалар билан модификациялаш, самарали ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент кимё-технология институти ва «Ilm-fan texnologiyalar» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг тадқиқот ишлари режасининг И-2017-7-5 «Farg'onaazot» АЖда мавжуд бўлган хомашё асосида нитро-бўёқлар (каллоксилин) ва диацетат бўёқлари ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси ҳамда № 36-05/1161-сонли «Нитро-бўёқлар (каллоксилин) ва «Farg'onaazot» АЖда мавжуд бўлган хомашё асосида ацетат бўёқлари ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2016-2018 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ацетиленли чиқинди газларни қайта ишлаш натижасида полиацетилен, хлорланган полиацетилен (ХПА) олиш, иккиламчи хомашё ресурслари асосида целлюлозанинг нитро- ва ацетат ҳосилаларини синтез қилиш ва улар асосида лок-бўёқлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ацетиленли чиқинди газлардан полиацетилен олиш жараёнини ўрганиш;
хлорланган полиацетилен олиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш;

хлорланган полиацетиленнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;
паст концентрацияли нитрат кислотаси иштирокида нитроцеллюлоза синтези жараёнини ўрганиш;

диацетат целлюлоза синтези жараёнининг оптимал технологик параметрларини аниқлаш;

нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлозанинг тузилиши, физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўрганиш;

хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза асосида лок-бўёқ композицион материалларини олиш жараёнларини ўрганиш;

лок-бўёқ қопламаларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза ҳамда улар асосида лок ва бўёқлар олишнинг технологик схемалари, ишлаб чиқаришнинг моддий балансларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб ацетиленли чиқинди газлар, полиацетилен, хлорланган полиацетилен, целлюлоза, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза, нитрат ва сульфат кислоталари, сирка альдегиди, лок ва бўёқ материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети полиацетилен, хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлозалардан термик ва кимёвий барқарор, ёнғинга ва портлашга хавфсиз, товар хоссалари юқори бўлган композицион лок-бўёқлар синтез қилиш ва жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопия, дифференциал-термогравиметрик, ЭПР таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ацетиленли чиқинди газлардан полиацетилен синтез қилинган;

хлорланган полиацетилен синтези жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган;

полиацетилен ва уни хлорлаш жараёнида маҳсулотлар чиқишининг технологик параметрларга боғлиқлиги қонуниятлари топилган;

илк бор паст концентрацияли нитрат кислотаси иштирокида пахта линтидан нитроцеллюлоза синтез қилинган;

полимерланиш даражаси нисбатан паст бўлган диацетат целлюлозани олиш жараёни аниқланган;

нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза синтезининг оптимал технологик параметрлари аниқланган;

илк бор нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза асосида локларнинг суюқ асосини олиш учун янги эритувчилар танланган;

ацетиленли чиқинди газлардан полиацетилен, хлорланган полиацетилен, целлюлозадан нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза, лок ҳосил қилувчи рецептлар ҳамда физик-механик таснифлари яхшиланган лок ва бўёқлар олишнинг технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ацетиленли чиқинди газлардан полиацетилен олишнинг технологияси

яратилган;

пахта линти ва паст концентрацияли нитрат кислотасидан нитроцеллюлоза олишни технологияси яратилган;

нисбатан паст полимерланган диацетат целлюлоза олишни технологияси яратилган;

хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза асосида лок ва бўёқлар олишнинг технологиялари яратилган;

янги турдаги композицион лок-бўёқларни олиш учун технологик ва техник-меъёрий ҳужжатлар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши физик-кимёвий, термогравиметрик, дифференциал-термик (дериватограф Paylik-Paylik Erdey), электрон-микроскопик, ИК-спектроскопик (Spekord-75UR), ЭПР-спектрлари замонавий таҳлил усуллари натижалари билан тасдиқланган ҳамда олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар - полиацетилен, хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза ҳамда маҳаллий хомашёлар асосида термик ва кимёвий барқарор лок-бўёқлар олиш учун асос яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ацетиленли чиқинди газлардан полиацетилен ва хлорланган полиацетилен, пахта линти ва паст концентрацияли нитрат кислотаси иштирокида нитроцеллюлоза, полимерланиш даражаси паст бўлган диацетат целлюлозалардан локлар ҳамда физик-кимёвий ва механик хусусиятлари яхшиланган бўёқлар олишганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши. Целлюлоза эфирлари ва ацетиленли чиқинди газлардан синтез қилинган полиацетилен, хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза асосида лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чиқинди газлар таркибидаги ацетилен газидан полиацетилен олиш ва уларни хлорлаш технологияси «O'zkiyosanoat» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 10 январдаги 14-158-сон маълумотномаси). Натижада, чиқинди газларни қайта ишлаш ва улардан керакли полимер маҳсулотлари олиш ҳамда амалиётга қўллаш имконини берган;

целлюлоза эфирлари ва ацетиленли чиқинди газлардан синтез қилинган хлорланган полиацетилен, нитроцеллюлоза ва диацетат целлюлоза асосида композицион лок-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш технологияси «O'zkiyosanoat» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 10 январдаги 14-158-сон маълумотномаси). Натижада, илк бор республикада

кимёвий ва термик барқарор қоплама ҳосил қиладиган лок-бўёқ маҳсулотлари олиш имконини беради;

паст концентрацияли нитрат кислотаси иштирокида нитроцеллюлоза ва полимерланиш даражаси паст бўлган диацетат целлюлоза олиш технологияси яратилган ҳамда нитро- ва диацетатли лок-бўёқлар ҳамда улар асосида термик ва кимёвий барқарор бўлган композицион қопламалар «O'zkiimyosanoat» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiimyosanoat» АЖнинг 2020 йил 10 январдаги 14-158-сон маълумотномаси). Натижада, нитроцеллюлоза ва полимерланиш даражаси паст бўлган диацетат целлюлоза асосида қоплама ҳосил қилувчи лок-бўёқ маҳсулотларини олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та конференцияларда, улардан 13 та Республика ва 3 та Халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, лаборатория ҳамда ишлаб чиқаришда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Полиацетилен, нитро- ва диацетат целлюлозадан лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш соҳасидаги тадқиқотлар ривожланишининг замонавий ҳолати ва истиқболлари» деб номланган биринчи бобида ПА, НЦ ва ДАЦ олиш ва синтез қилиш усуллари бўйича замонавий адабиётлар таҳлили атрофлича келтирилган, мақсадга эришиш учун ПА, нитро- ва целлюлоза диацетатлари асосида лок-бўёқ материаллари ва қоплама ҳосил қилувчи маҳсулотлар олишнинг энг мақбул усуллари асосланган; ПА, НЦ, ДАЦ синтези ва синтез қилинган лок-бўёқ материалларининг физик-кимёвий ва қоплама ҳосил қилувчи хусусиятларини ўрганиш бўйича адабиётлар таҳлили атрофлича ўрганилган ҳамда тизимлаштирилган.

Диссертациянинг «Полиацетилен ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш ва улар асосида лок-бўёқ материалларини олиш» деб номланган иккинчи боби объектларни танлаш, ПА ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш усуллари ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга асосланган. ИҚ-спектроскопия ва рентген фазали таҳлил усуллари ёрдамида синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши аниқланган. ПА ва ХПА гравиметрик, термодинамик тадқиқотларининг натижалари ўрганилди. ПАни олиш тадқиқотлари катализатор иштирокида, таркибида VIII гуруҳ металл тузлари ва Латинжер катализаторлари қайтарувчи агентлари бўлган маълум комплекслар таъсирида зарядни ўтказиш билан олиб борилди.

Эритувчи табиати, катализатор концентрацияси нафақат маҳсулотнинг унумига кучли таъсир этади, балки полимернинг тузилиши ва хоссаларида ҳам ўз ифодасини топиши кўрсатилган. Полимернинг энг юқори чиқиш кўрсаткичи $\text{NaBH}_4:\text{Co}(\text{NO}_3)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ 1:4 моль нисбатда диметилформаид муҳитида бўлган. Бунда массаси 100000-120000 бўлган цис-тузилишли ПА ҳосил бўлади ва унинг унуми 42 г/г катализатордан юқорини ташкил этади.

ПА синтези учун уч оғизли колбага органик эритувчи ва катализатор – кобальт нитрат тузи солинади ва маълум ҳароратгача совутилади (-5 - 0°C). Сўнгра органик эритувчида намликдан тозаланган ацетиленли чиқинди газ 1,5-2 соат давомида юттирилди. Катализатор сифатида эритманинг умумий ҳажмига нисбатан 0,1% миқдорда натрий боргидрид, литий боргидрид ёки литий алюмогидрид ишлатилди (ацетилен миқдоридан 0,3 %). Шундан сўнг қаттиқ гель ҳосил бўлгунга қадар ҳарорат аста секин оширилиб борилди (40-55°C). Ҳосил бўлган суспензия филтрланди, ацетилен ва катализатор қолдиқларидан тозалаш учун қўшимча равишда N-метилпирролидон билан ювилди.

Бундай шароитларда энг мақбул эритувчи N-метилпирролидон эканлиги аниқланди. N-метилпирролидон муҳитида полимернинг миқдор чиқиши 44-45 г/г катализаторда муқобил ҳароратларда (таҳминан 0°C) аниқланди ва бу ацетиленни мазкур эритувчида осон ютилиши билан изоҳланади (1-жадвал).

1-жадвал

ПА синтези шароитлари

Эритувчи	Ҳарорат, °C	Катализаторлар нисбати, г		Маҳсулот чиқиши, г/г катализатор	
		$\text{Co}(\text{NO}_3)_2$	LiBH_4	Лаб. шароити	Саноат шароити.
N-метилпирролидон	-5 - 0	0,1	0,025	45	38
		0,05	0,05	40	32
		0,025	0,1	29	22
Диметилформаид	-5 - 0	0,1	0,025	39	27
		0,05	0,05	26	17
		0,025	0,1	25	21
Диоксан	-5 - 0	0,1	0,025	8	3
		0,05	0,05	3,6	1,9
		0,025	0,1	1,8	0,7

Эритувчи сифатида N-метилпиридондан фойдаланиш унинг амалийлиги нуқтаи назаридан ижобий фарқ қилади, чунки N-метилпиридон «Navoiazot» АЖда саноат ишлаб чиқариш шароитида ацетиленни ажратиш жараёнида кенг қўлланилади.

Ҳозирги вақтда «Navoiazot» АЖда тахминан соатига 400 м³ ацетиленли чиқинди газлар ёқиб юборилмоқда. 2-жадвалда саноат шароитида 0 °С ҳароратда N-метилпиридонда 1, 2 ва 3 соат давомида ацетиленли чиқинди газлар юттирилгандан сўнг газ аралашмаларининг таркиби келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, бу аралашманинг асосий таркибини ацетилен (83 % гача) ва винилхлорид (10 % гача) ташкил этади, бошқа компонентлар нисбатан кам миқдорда мавжуд.

2-жадвал

Газ аралашмасининг N-метилпиридон орқали ўтиши натижасида ўзгариши

№	Газ номи	Тўйингунча, %	Тўйингандан 1 соат сўнг, %	Тўйингандан 2 соат сўнг, %	Тўйингандан 3 соат сўнг, %
1	Винилхлорид	10,1	12,26	13,6	13,6
2	Винилацетилен	0,2	0,16	0,14	0,16
3	Ацетальдегид	0,05	0,04	0,03	0,04
4	Хлоропрен	0,5	0,34	0,39	0,60
5	Ционид кислота	1,8	0,40	0,44	1,5
6	НАК	0,7	0,13	0,15	0,4
7	Ацетилен	82,9	80,47	79,26	78,8
8	Азот	7,2	1,55	1,55	1,21


Жараён давомийлиги ортиши билан, асосан, эритувчининг ацетилен билан тўйиниши ва газ аралашмасида винилхлорид улушининг ортиши кузатилади. Газ аралашмасидаги бошқа компонентларнинг миқдори деярли ўзгармайди ва улар каталитик тизимнинг унумдорлигини камайтирмайди.

Таъкидлаш жоизки, ПА олиш усулига киритилган ижобий ўзгаришлар олинаётган полимерларнинг асосий физик-кимёвий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмаган ва адабиётларда келтирилган маълумотларга мос келади. ПАнинг асосий физик-кимёвий хоссаларини ўрганишда унинг атмосферадаги ҳаво кислороди билан ўзаро таъсири хусусиятлари ўрганилди.


ЭПР спектрлари натижаларига кўра, КПЦни $4,7 \cdot 10^{17}$ спин/г-дан $3,15 \cdot 10^{16}$ спин/г-гача пасайиши кузатилган ва бу поликонъюгацияланган занжирларга ҳаво кислородини кирганидан далолат беради. Шу билан бирга, янги, кенгроқ, нисбатан кам интенсивланган g-2,3233 факторли сигнал пайдо бўлади. Кейинчалик бир неча соат давом этган термик оксидланиш ЭПР сигналларида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди (1-расм).

Турли хил ҳароратда атмосферадаги ҳаво кислородининг ПАга бирикиш кинетикаси ўрганилди (2-расм). 25, 75, 100 ва 150 °С ҳароратда кислород

бирикиши тезлигининг доимий равишда ортиши кузатилади. Аммо 150 °С ҳароратда оксидланган полимернинг парчаланиш жараёни кечади. Энг муқобил ҳарорат 120 °С ҳисобланади, бунда 15-18 соат давомида ПАнинг массасига нисбатан таркибидаги кислороднинг максимал миқдори (37%) эканлиги кузатилади (2-расм).



1-расм. 120 °С ҳароратда термооксидланган полиацетиленни ЭПР спектри



2-расм. Ҳаво кислородини полиацетилен билан ютилишининг вақтга боғлиқлиги (°С): 1 – 25, 2 – 75, 3 – 100, 4 – 120, 5 – 150


Ушбу жараённи янада чуқурроқ ўрганиш учун дериватографик тадқиқотлар 0,6 °С/дақиқа тезликда амалга оширилди ва ТГА эгри томонида учта бўлим ташкил этилди. 20-120 °С ҳарорат оралиғида намуна оғирлигида сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди, аммо 100 дан 150°Сгача кислороднинг жадал ютилиши кузатилади. 30-37% вазнга эришилганда, 200°С ҳароратда карбонат ангидрид чиқарилиши билан боғлиқ вазн йўқотиш кузатилади. Дастлабки ҳолатга ўтиш учун тахминан 18 соат вақт кераклиги аниқланди. Бу ПА газ муҳитини ва атмосфера кислородини ютиш ва карбонат ангидридни чиқарадиган махсус омборларни тартибга солишда самарали фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Сув таъминоти маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун композит материалларда ПВХнинг кенг қўлланилиши уларни барқарорлаштириш учун токсик оғир металлларни чиқариб ташлашни талаб қилади. Оғир металлларнинг ўрнини босувчи сифатида ПАни 1% миқдориди тадбиқ қилишини динамик термик барқарорликнинг 1,5-2 баравар ошишига олиб келади. ПВХ композицияларининг айланиш моментига ПАнинг таъсирини ўрганаётганда киритилаётган қўшимчанинг таъсири остида релаксация ва пластификация вақтининг пасайиши кузатилди. ПАнинг барқарорлаштирувчи таъсири, ПВХнинг термооксидатив парчаланиши пайтида чиқарилган HCl газининг ажралиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, термостабилизатор хлор атомларининг лабил ютилишига олиб келади, бу эса полимернинг термик барқарорлигини оширади. ПА турли хил ацетилен


ҳосилаларини олиш учун асос бўлиб, улар орасида хлорланган ПА (ХПА) кенг қўлланилади. ПА хлорлаш жараёни хлороформ муҳитида (углерод тетрахлориди) куруқ газсимон хлорни 0 - +5°C ҳароратда, суспензиянинг қуюқ ранги йўқолгунча, яъни полимер таркибидаги хлор миқдори 56-65% бўлгунча, ПА қўшбоғлари тўйингунча олиб борилди. Ҳосил бўлган шаффоф ХПА эритмасидан реакцияга киришмай қолган хлор ҳайдаш усули ёрдамида чиқарилди. Ажратиб олинган ХПА физик-кимёвий таҳлил усуллари билан тадқиқ қилинди ва ХПАнинг амалий хусусиятлари ўрганилди.

ХПАнинг ИҚ- спектрларида асосан иккита аниқ ўзгаришлар кузатилади: 1640 см^{-1} ва 770 см^{-1} да кўш конъюгацияланган боғларнинг камайиши, 1265 (кучсиз) см^{-1} , 1130 (интенсив) см^{-1} ва 960 (ўртача) см^{-1} соҳаларда янги С-С1 боғ сигналларининг пайдо бўлиши, шунингдек, 3020, 1800 см^{-1} тўлқин узунлигида сигналларнинг қисқа тўлқинлар томонига силжиши (3-расм). Ушбу далиллар ПАнинг асосий занжирига хлор ва кислород каби бирикмаларнинг эркин кириб олишини тасдиқлайди. Намунавий ампуланинг турли хил бурилиш бурчакларида ЭПР спектрлари олинган ва уларнинг ташқи магнит майдонига боғлиқлиги аниқланган (4-расм).

ХПА намуналарини майда дисперс ҳолатигача майдаланиши натижасида сигнал янада силлиқроқ бўлади.



3-расм. ПА (1) ва ХПА (2) ИҚ-спектрлари



4-расм. ЭПР сигналларининг ХПА ампуласининг бурилиш бурчаклиги боғлиқлиги

Хлорни ПА занжирига киритилиши куйидаги таснифли янги сигналларнинг пайдо бўлишига олиб келади: $g = 1,9788$, $H = 21,7$ Гс, $N = 2,8 \cdot 10$ спин/г. Чизиқ шакли Дейсон характериға эга, бу кўпинча металлларда кузатилади. Боғланган хлорнинг эритувчининг табиати ва муҳит ҳароратига боғлиқлигини миқдорий аниқлаш учун олинган ХПА полимер намуналарини элементар таҳлили амалга оширилди. Боғланган хлор миқдори хлорлаш жараёнининг шароитларига боғлиқ.


Углерод тетрахлорид муҳитида хлорлаш ҳароратининг -5 дан 0 °С - гача кўтарилиши натижасида киритилган хлор миқдори 56% дан 65% - гача ўзгаради, аммо ХПАнинг эрувчанлиги 85-90% - гача кузатилади. Бу

полимердаги хлорнинг ҳаддан ташқари юқори миқдорда бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Диметилформамиддаги ХПА эритмаларининг реологик хусусиятлари ўрганилди ва келтирилган қовушқоқлик концентрацияга боғлиқлиги аниқланди ҳамда характерли қовушқоқлиги 0,40-0,42 дл/гни ташкил этди, бу ҳосил бўлган полимернинг етарлича юқори молекуляр оғирлигини кўрсатади.

ХПА термомеханик эгри чизиклари аниқ реологик характерга эга ва аморф полимерлага мос равишда 120-150 °С ҳароратда эластик ва 130 °С дан бошлаб қовушқоқ хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида чиқинди газлардан ПА ва ХПА ишлаб чиқариш технологияси яратилди (5-расм) ва қуйидаги босқичлардан иборат: реакторга эритувчи, ацетилендан иборат бўлган реакцион муҳитни киритиш, каталитик тизим, ацетилен полимеризацияси, ювиш, эритувчи ва ПАни реактор-хлораторга киритиш, ПАни хлорлаш, реакцияга киришмай қолган газларни чиқариб ташлаш, ХПАни эритмадан ажратиш, ХПАни қуриштириш, эритувчи ва хлор газининг регенерацияси.



- 1, 12–реактор; 2, 3, 14–ўлчагич; 4, 13–бункер; 5, 16–фильтр; 6, 22– қуритгич;
7, 10, 17–оралиқ сиғимлар; 8–ректификацион колонна; 9, 20–совутгич; 11, 18–насос;
15–газпуфлагич; 19–чўктириш колоннаси; 21–барабанли фильтр

5-расм. Чиқинди газлардан ПА ва ХПА олиш принципиал технологик схемаси

ХПА 60-70 °С ҳароратда органик эритувчилар муҳитида эритилиб, олинган материаллар композициясига дибутилфталат (ДФФ) кўшилиши билан локларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди.

2-6% миқдорда ДБФни киритиш қатламларга ажралиш, хиралашиш ва бошқа исталмаган жараёнларни келтириб чиқармади. 3-жадвалда ХПАдан локлар олиш бўйича рецептуралар таркиби келтирилган.

3-жадвал

ХПА асосида локлар олиш рецептураси

№	Компонентлар	Стандарт рецепт. оғирлиги, %	Компонентларнинг миқдори. оғир.,%			
			1-намуна	2-намуна	3-намуна	4-намуна
1.	Қуруқ перхлор-винил смоласи	16,4	-	-	-	-
2.	Смола N 135	4,7	-	-	-	-
3.	ХПА	-	21,1	21,1	21,1	21,1
4.	Толуол	45,6	47,6	45,6	45,6	44,6
5.	Ацетон	17,8	19,8	19,8	17,8	16,8
6.	Совол	11,4	11,5	11,5	11,5	11,5
7.	Бутилацетат	4,1	-	-	-	-
8.	Дибутилфталат	-	-	2,0	4,0	6,0
ЖАМИ		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Энг мақбул таркиб - бу асосий массададан 4 % миқдорда ДБФни қўллашдир. Локлар ва улар асосида олинган қопламаларнинг синов натижалари уларнинг амалий қўлланилишида юқори самарадорлик хусусиятларини кўрсатди.


«Нитро- ва диацетатцеллюлозаларни олишда асосий қонуниятларни ўрганиш натижалари» деб номланган учинчи бобда тозаланган ва тозаланмаган целлюлозадан НЦ ва ДАЦ синтези жараёнининг кинетикаси, технологик омилларнинг физик-кимёвий ва товар хоссаларига таъсири келтирилган.

НЦ - бу целлюлоза ва нитрат кислотанинг мураккаб эфирлари бўлиб, целлюлозани нитроловчи аралашма билан этерификациялаш натижасида олинади. Тозаланган целлюлозани нитроловчи агентлар билан таъсирланиши натижасида НЦни олиш учун технологик параметрларнинг целлюлозанинг гидроксил гуруҳларини нитроловчи агентлар билан ўзаро таъсири ҳамда уларнинг эритувчида этерификацияланиш жараёнига таъсири ўрганилди. Колоксиллинни олиш учун (НЦ, N=11,5-12%) концентрланмаган нитрат кислотаси (58-60%) ва 92-95 % - ли сульфат кислотасидан ҳамда нитроза газлардан иборат бўлган нитроловчи аралашмаси ишлатилган.


Реактивларнинг доимий нисбатида реакция ҳароратининг 30 дан 40 °С - гача кўтарилиши натижасида маҳсулот унумининг ошишига олиб келади. Ҳароратнинг янада кўтарилиши маҳсулотни бир текис ҳосил бўлишига ва НЦнинг молекуляр оғирлигини (қовушқоқлигига кўра) 0,12 дан 0,06 дл/г - гача пасайишига олиб келади. Аниқланган хусусиятлар, эҳтимол иситиш

вақтида парчаланиши билан боғлиқдир. Олигомер ҳосиласининг бошланғич реактивлари нисбатига боғлиқлиги ўта юқори, максимал унуми 1:3 нисбатга тўғри келади (6-расм).

7-расмда РКАда $t = 40\text{ }^{\circ}\text{C}$ бўлганда целлюлоза : нитрат кислота тизимида нитролаш реакцияларининг кинетик боғлиқликлари келтирилган.




$t = 40\text{ }^{\circ}\text{C}$, давомийлиги - 1 соат
6-расм. Реакциядаги дастлабки моддаларнинг нисбатига НЦ чиқишини боғлиқлиги



1 - 3:1; 2 - 2:1; 3 - 1:1; 4 - 1:2; 5 - 1:3
7-расм. РКАда целлюлоза : нитрат кислота тизимида нитролаш реакцияларининг кинетик боғлиқлиги

Нитролаш агентларининг сарфланиш тезлиги ва бошланғич реагентларининг нисбати билан аниқланадиган дастлабки моддаларнинг реакция тезлигига боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, НЦ ҳосил бўлишининг кинетик боғлиқлиги эквимоллик бузилганда тангенс бурчагини пасайиши билан тавсифланади. Целлюлозани нитроловчи моддалар билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган маҳсулот қуйидаги хусусиятларга эга: оқ қаттиқ, учмайдиган модда, асосий таркибий қисми 98,7%, аралашмалар 1,3%. Ишчи эритмани олиш учун ҳосил бўлган маҳсулот 80-85%-гача суюлтирилади.

НЦни ИҚ-спектрида целлюлозанинг гидроксил гуруҳлари мавжудлигини тасдиқлайдиган 3040 см^{-1} соҳада чизик йўқолади ва 1633 ва 1273 см^{-1} соҳасида нитро- (NO_2) гуруҳларига тўғри келадиган янги чизиклар пайдо бўлади. Бу НЦни синтезини тасдиқлайди. Эркин нитрат NO_2 гуруҳлари



995 ва 825 см^{-1} соҳаларда ИҚ спектрларида мавжудлиги билан тавсифланади, -1058 см^{-1} гуруҳнинг пайдо бўлиши - C - O - C - тегишли гуруҳларни боғланганлигини билдиради.

Ҳарорат ($^{\circ}\text{C}$) 20 (1, 2), 30 (3, 5) ва 40 (4, 6). Моль нисбатлари $\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4:\text{N}_2\text{O}_4+\text{N}_2\text{O}_3 = 0,31:0,67:0,2$ (1, 3, 4) ва $0,38:0,58:0,4$ (2, 5, 6).

8-расм. НЦ намуналаридаги азот миқдорининг (масс. %) нитролаш жараёни вақтига t боғлиқлиги

8-расмда НЦ намуналаридаги азот миқдорининг (масс. %) нитролаш жараёнини сув миқдори бир хил бўлган целлюлозани нитроловчи аралашмалар билан этерефикацияланиш реакциясининг вақтига τ ва ҳароратга ва турли моль нисбатларга $\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4:\text{N}_2\text{O}_4+\text{N}_2\text{O}_3$ боғлиқлиги келтирилган. Даствлабки целлюлоза ва ҳосил бўлаётган НЦ қаттиқ моддалардир, целлюлозани сульфат кислотаси ва азот оксидлари билан сувли муҳитдаги этирефикация жараёни максимал тезликда амалга ошади ва у камайиб кичик натижаларга эришади. Бу эса целлюлозани нитролаш реакциясининг топокимёвий характеридан далолат беради ва Ерофеев – Колмогоровнинг топокинетиқ тенгламасини қўллаб эксперимент натижаларини баҳолашга имкон беради.

$$\frac{C_{3t}}{C_{3max}} = 1 - \exp(-Kt^n),$$

4-жадвалда целлюлозани нитролаш жараёнининг кинетик параметрлари келтирилган ва бу диффузион механизмни самарадорлигини ифодалайди.

Целлюлозани нитролаш жараёнида сульфат кислотанинг вазифани аниқлаш учун даствлаб целлюлозани сульфат кислотаси билан ишлов берилган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, целлюлозани сульфат кислота билан ишлов бериш натижасида молекула усти тузилиши қисман парчаланаяди, яъни водород боғлари ва целлюлоза макромолекулаларининг оз миқдорда парчаланиши кузатилаяди. Бундан ташқари, сульфат кислотаси сувни ютади, бу эса целлюлоза толасининг юзасидаги ва микроғоваклардиги куйи молекуляр фракцияларни эритади.

4-жадвал

Целлюлозани нитролаш реакциясининг шароитлари ва кинетик параметрлари

Нитролаш шароитлари		Кинетик параметрлар		
Моль нисбати $\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4:\text{N}_2\text{O}_4+\text{N}_2\text{O}_3$	$t, ^\circ\text{C}$	$K \cdot 10^2, \text{ч}^{-n}$	n	$E_a, \text{кДж/моль}$
0,31:0,67:0,2	20	4,0	0,5	11,9
	30	4,3	0,6	
	40	8,1	0,6	
0,38:0,58:0,4	20	5,3	0,5	12,6
	30	7,4	0,4	
	40	10,2	0,5	

Натижада целлюлозанинг гидроксил гуруҳларига нитроловчи модданинг диффузия тезлиги ортади. Шунинг учун биз ҳар хил концентрацияли сульфат кислотанинг целлюлоза билан ўзаро таъсири давомийлигини нитролашда алмаштириш даражасига таъсирини, шунингдек НЦнинг ацетон ва спирт-эфир аралашмасида эрувчанлиги ўрганиб чиқилди (5-жадвал).

Юқоридаги экспериментал маълумотлардан шуни тахмин қилиш

мумкинки, целлюлоза нитратларининг алмашилиш даражаси сульфат кислота билан ўзаро таъсир қилиш вақтига боғлиқ. Шубҳасиз, целлюлоза дастлаб олтинчи ҳолатдаги гидроксил гуруҳи сульфат кислота билан реакцияга киришади, сўнгра иккиламчи гидроксил гуруҳи реакцияга киришади. Целлюлозада сульфат гуруҳлари миқдори аниқланди.

5-жадвал

Целлюлоза нитратлари хоссаларининг 92 ва 95%ли сульфат кислота билан целлюлозанинг ўзаро таъсири давомийлигига боғлиқлиги

Сульфат кислота билан ўзаро таъсирланиши давомийлиги, соат	Азот миқдори, %	Алмашилиш даражаси, %	Эрувчанлиги, %	
			Ацетонда	Спирт-эфирли аралашмада
92%- ли сульфат кислота иштирокида				
1	11,2	2,04	100	92
2	9,5	1,56	99	92
3	8,0	1,27	98	75
24	7,0	1,06	46	24
48	7,2	1,09	52	30
72	7,3	1,11	53	35
95%- ли сульфат кислота иштирокида				
1	12,7	2,4	100	93
2	11,6	2,0	93	100
3	11,3	2,0	98	100
24	7,2	1,0	53	60
48	7,3	1,1	50	57
72	7,3	1,1	48	55

Целлюлоза гидролизи 24 соат давомиди турли ҳароратда $t = 20\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва $t = 60\text{ }^{\circ}\text{C}$ амалга оширилди. Сульфат гуруҳларининг миқдори 60,6-63,5 %, яъни целлюлоза, сульфат кислота билан ишлов берилгандан сўнг битта қатор учун иккита сульфат гуруҳига эга бўлади.

Нитроланган целлюлозанинг ИҚ-спектрларида максимумлари 1793, 775–725 ва 610 см^{-1} бўлган янги ютилиш чизиқлари пайдо бўлади, бу α -ҳолатда электроманфий гуруҳли $-\text{OSO}_3$ валент тебранишлар билан боғлиқ бўлиши керак $\text{C}=\text{O}$, $\text{C}-\text{OS}$ валент тебранишларга тегишли, $\text{C}=\text{O}$ гуруҳининг пайдо бўлиши эса деформацион тебранишларга тегишлидир. Кун давомиди сульфат кислотаси билан ишлов берилган целлюлоза 60%ли нитрат кислотаси билан ўзаро таъсирлашади, бунда целлюлозадаги OH гуруҳининг биттаси нитрогуруҳ билан алмашинади ва целлюлозанинг мононитрати ҳосил бўлади.

Сульфат кислотасида синтезланган целлюлоза мононитратининг ўртача полимерланиш даражаси сульфат – нитрат кислотаси аралашмасида ва азот диоксиди ва фосфор пентоксиди муҳитида олинган нитратларга қараганда анча юқори. Бунинг сабаби шундаки, сульфат кислота дастлабки целлюлозани озроқ парчалайди ва уни Люис кислоталари каби бир хил майдонларга парчалайди.

Целлюлозани дастлаб сульфат кислотаси билан ишлов бериб, сўнгра паст

концентрацияли нитрат кислотаси ва нитроза газлари билан О-нитролаш орқали целлюлозанинг моно, ди- ва тринитрати олиш усули таклиф этилди.

Ишлов бериш жараёнининг давомийлиги ва сульфат кислота концентрациясининг нитратларни алмашилиш даражасига (АД) ва органик эритувчиларда эрувчанлигига таъсири аниқланди. О-нитролаш иккиламчи гидроксил гуруҳларида содир бўлиши кўрсатилган.

Нитроловчи аралашмада сульфат кислотанинг роли анча мураккаб. Нитролаш жараёнида реакция сув ажралиб чиқади. Реакция тизимда сувнинг миқдори 20 %дан кўп бўлса нитролаш реакцияси бормайди. Сувнинг миқдорини ортиб кетишини олдини олиш мақсадида сульфат кислотаси киритилади ва у реакция сувлар билан гидратлар ҳосил қилади ҳамда мувозанатни ўнганга силжитади. Сульфат кислотаси целлюлозани бўктиради, бу эса реакция марказларда нитроловчи аралашмани диффузиясини тезлаштиради. Бир вақтнинг ўзида сульфат кислотанинг иштироки нитролаш реакциясини секинлаштиради ва НЦдаги азотнинг миқдорини камайтиради. Таркибида сульфат кислотаси кам бўлган нитроловчи аралашма ишлатилганда ванна модулини катталаштириш тавсия этилади, чунки бу шароитларда ажралаётган реакция сув етарлича реакция тизимнинг таркибини ўзгартирмайди. Нитроловчи аралашмадаги сувнинг роли гидроксил гуруҳларининг нитрат гуруҳлари билан алмашилиш даражасини назорат қилишдир (нитроловчи аралашмада қанча сув кўп бўлса, коллоксилин таркибидаги азот миқдори шунча паст бўлади). $\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4 > 0,38:0,62$ нисбатида НЦ намуналарида азот миқдорининг пасайиши N_2O_5 ва N_2O_3 концентрациясининг баъзи бир критик қийматдан паст бўлишига боғлиқ бўлиши мумкин, бу реакция зонасида этерификация реакциясидан сувни самарали олиб чиқишни таъминламайди.

$\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4:\text{H}_2\text{O}$ нинг бир хил моль нисбатларда НЦ намуналарида азот оксиди миқдорининг $\text{HNO}_3:\text{H}_2\text{SO}_4 = 0,32:0,58$ моляр нисбатига тўғри келадиган максимал даражадан ўтади. Ушбу тизимларда нитролаш жараёнида сув сульфат ва нитрат кислоталарини суюлтирувчи ролини ўйнаши маълум, унинг гидролизланиш хусусиятларини пасайтиради ва целлюлоза таркибидаги эритувчи таъсири кучайтиради, гетероген шароитда этерификация реакциясини таъминлайди.


Эҳтимол, сувнинг маълум бир концентрациясига қадар, ҳажмий нитроловчи радикалларнинг мавжудлиги ва яхши эрувчанлиги туфайли сув целлюлоза таркибига фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади ва нитроловчи агентларни фаоллигини оширади. Тизимга киритилган сув миқдорининг янада ошиши реакция зонасида нитроловчи моддалар концентрациясининг ва этерификация реакциясининг самарадорлигини пасайишига олиб келади.

9-расмда НЦнинг эрувчанлиги яъни эритувчининг, этилацетат ва бутилацетат аралашмалари таркибига боғлиқлиги келтирилган.

НЦ яхши қоплама ҳосил қилувчи материалдир ва у этил спирти, ацетонда яхши эрийди. Республикамизда ацетон ишлаб чиқарилиги, этил спирти эса озиқ-овқат мақсадлари учун ишлатилиши сабабли, икки ёки ундан кўп мавжуд бўлган органик эритувчилардан ташкил топган бинар эритувчиларни яратиш

бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар учун этилацетат (ЭА), бутилацетат (БА), амилацетат (АА), ацетон ва изопропил спирти (ИПС) ишлатилди. НЦнинг энг юқори эрувчанлиги бинар эритувчида кузатилиши аниқланган, бунда компонентларнинг миқдори, %да ЭА:БА = 60:40. Эритмада НЦни максимал концентрацияси 60 %-гача етади.



9-рasm. НЦ эрувчанлигининг эритувчи таркибига боғлиқлиги

Тозаланган целлюлоза ва сирка ангидриди асосида ДАЦни олиш жараёни тадқиқи хона хароратида сирка кислота муҳитида олиб борилди. Синтез жараёнига технологик омилларнинг таъсири ўрганилди ва жараённинг оптимал режими аниқланди.

Целлюлоза ва сирка ангидридининг доимий нисбатларида реакция хароратини 20 дан 30 °С - гача ортиши АЦ улушини ортишига олиб келади, хароратнинг янада ортиши ДАЦ триацетатга ўтишига олиб келади

ва ДАЦни молекуляр массасини (қовушқоклик бўйича) сезилмас равишда камайиши 0,055 дан 0,04 дл/г-гача кузатилади. Аниқланган хоссалар, иситиш вақтида сирка ангидриди ацетат гуруҳларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ДАЦ максимал унуми 1:2 нисбатига тўғри келади ва ДАЦ ҳосил бўлишининг дастлабки моддалар нисбатига боғлиқлиги экстремал характерга эгадир. Целлюлоза билан сирка ангидридининг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган маҳсулот қуйидаги хусусиятларга эга: сарғиш тусли, учувчан бўлмаган кукун, асосий компонентлар миқдори 98,3%, аралашмалар 1,7%.

ДАЦни ИҚ-спектрида 1737 см⁻¹ да С=О карбонил гуруҳларининг деформацион тебранишларини интенсив чизиқлари мавжуд, шунингдек, 1217 и 1031 см⁻¹ соҳаларда СО₂ гуруҳининг С-О боғларида симметрик ва асимметрик тебранишлар чизиқларининг мавжудлиги кўрсатилган. ИҚ-спектрада 3400 см⁻¹ соҳасида гидроксил гуруҳларига тегишли чизиқ йўқ бўлади. Бу эса дастлабки моддаларнинг реакцияга киришиб янги ацетат гуруҳларининг пайдо бўлишидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда ДАЦ олиш учун муқобил хомашё манбаларини излашга катта эътибор берилмоқда. Ушбу турдаги хомашёлардан бири пахта линти ҳисобланади. Тадқиқотлар учун тозаланган ва тозаланмаган целлюлоза ишлатилди. Тозаланган целлюлоза (АЦ24) ва тозаланмаган целлюлоза (АЦ48) дан ДАЦ хусусиятларини ўрганиш учун физик-кимёвий таҳлил усуллари қўлланилди. АС24 АС48 га қараганда термик беқарордир.


Ишлов берилмаган линтни ацетиллашда реакция давомийлиги 48 соатни ташкил қилади ва натижада ДАЦ ҳосил бўлади. Кимёвий қайта ишланган линт

учун реакция вақти 24 соатни ташкил этади, натижада целлюлоза триацетат ҳосил бўлади. ДАЦ локлар ва бўёқлар ишлаб чиқариш учун яхши қоплама ҳосил қилувчи материалдир. ДАЦ триацетатцеллюлозани қисман гидролиз қилиш натижасида олинган.


ДАЦ учун бинар эритувчини яратиш мақсадида ЭА ва ИПС олинди. ЭА ва ИПСни оптимал ҳажмларини аниқлаш учун турли ҳажмий нисбатлардаги аралашмалари тайёрланди (ЭА:ИПС = 10:90, 20:80, 30:70, 40:60, 50:50, 60:40, 70:30, 80:20, 90:10). Сўнгра ҳар бир колбага аниқ ўлчамдаги ДАЦ солинди ва ДАЦнинг массаси эришдан олдин ва кейин аниқланди. Олинган маълумотлар 10-расмда келтирилган.

ДАЦ тоза ИПСда эримайди. ДАЦнинг максимал эриши ИПС:ЭА = 70:30 нисбатда ва бинар аралашмада ЭА нинг миқдори 85% гача бўлганда кузатилади. ЭА миқдорининг аралашмада ортиб бориши ДАЦнинг эришини ёмонлаштиради. ДАЦнинг нисбатан энг юқори эрувчанлиги ЭА:ИПС = 85:15 нисбатдаги компонентлари бўлган бинар аралашмада кузатилиши аниқланган. ДАЦнинг максимал концентрацияси 30%-гача эканлиги маълум бўлди.

